

ТРАВМАТОЛОГИК ОПЕРАЦИЯЛАРДА УНИЛАТЕРАЛ АНЕСТЕЗИЯ

Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази

Олтиев У. Б. Усмонова Н.У., Усмонов А.У.

Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг травматология бўлимида охириги 2 йил давомида 1150 та операциялар анестезия остида бажарилган. Шундан 450 та беморда орқа мия анестезияси қўлланилган. Анестезия ўтказилган беморларнинг ёши 38 дан 90 гача бўлиб шулардан 38% аёллар, 62% эркеклар ташкил қилади.

Беморларнинг 157 таси (34,8 %) 60 ёшдан ошган беморлар бўлиб шулардан:

60-74 ёшлилар (қария) 94 та.

75-89 ёшдагилар (кекса) 58 та.

90 ёш ва ундан ошганлар (узоқ умр кўрувчи) 5 та беморлар бўлиб буларнинг кўпчилигида битта ёки иккита ёндош касалликлар мавжуд, яни: шуларнинг 60 тасида (38,1%) юрак ишемик касаллиги, 32 тасида (20,3%) юрак ритмининг бузилиши, 64 тасида (40,7%) гипертония касаллиги, 10 тасида (6,3%) ўпканинг сурункали обструктив касаллиги. Шу жумладан беморларнинг 26 тасида (16,5%) икки ва ундан ортиқ ёндош касалликлар аниқланди.

Катта травматологик операция жараёнида унилатерал анестезияни қўллаб, хавфли гуруҳдаги беморларда анестезиологик хавфни сезиларли даражада пасайтиришга эришилди.

Унилатерал анестезия остида бажарилган асосий операциялар сон суягида ва сон суягининг бўйинча қисмида, болдир суягида ўтказиладиган БИОС, чанок сон бугимида эндопротезлаш операциялари, оёқнинг тўлиқ ҳамда панжа соҳасида бажариладиган операциялардир.

Анестезияга тайёрлаш: УОА ўтказишда 30-40 минут олдин премедикация (сибазон (0,2-0,5 мг/кг), демидрол, атропин, диклофенак (0,6-0,7 мг/кг) қилинади. Анестезия ўтказиш вақтигача 15-20 минут давомида томир ичига 10-15мл/кг кристаллоид суюқликлар томчилаб юборилади.

Ўтказиш техникаси: Анестезия ўтказиш учун қулай ҳолат танланади (ўтирган ёки ётган ҳолатда бош ва оёқлар максимал букилган вазиятда). Пункция қилиш оператив соҳага қараб L3-L4 бел умуртқаларида (сон ўрта учлигида, болдир, товон соҳаларида), L2-L3 бел умуртқаларида (сон чаноқ соҳасида) танланади ва шу соҳада пункция қилинади. Амалиёт жараёни орқа мия суюқлиги сизиб чиқиши билан баҳоланади, ҳамда маҳаллий анестетиклар (бупивакаин ёки суперкаин тана массаси ҳисобида) шу бўшлиққа юборилади ва бемор амалиёт бажариладиган соҳада ёнбош ётқизилади. 5-15 минут оралиғида амалиёт бажариладиган соҳада анестезия чақирилади.

Бу анестезияни традицион ОМА фарқи :

Гемодинамика кўрсаткичлари стабил туриши

Анестезиянинг давомийлиги узоқлиги

Кўрсатмаси кенглиги

Қарияларда (енгил қон айланиш бузилиши ва гиповалимия ҳолат бўлган беморларда) қўллаш имконияти борлиги

Ножўя таъсирлари камлиги

Қария ва кекса ёшли беморларда операция жараёнида ўтказиладиган анестезияларда юқори анестезиологик хавфнинг бўлишини инобатга олган ҳолда, бундай тоифадаги беморлар учун унилатерал анестезия қулай ва хавфсиз деган хулосага келдик.